
“МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА” ГАЗЕТАСИ - 70 ЁШДА

Бугун Ёзёвон туманидаги “Abu Dhabi” мажмуасида Ёзёвон тумани ҳокимлигининг нашри бўлган “Марказий Фарғона” газетаси ташкил этилганлигининг 70 йиллиги муносабати билан тадбир ташкил этилди.

Юбилей кечасида вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳуршиджон Аҳмедов сўз олиб, “Марказий Фарғона” газетаси таҳририяти журналистларининг заҳматли меҳнатларини алоҳида эътироф этди, узоқ йиллардан буён газетага бош муҳаррирлик қилиб келаётган, қутлуғ 60 ёшни қарши олган Азимжон Худойқуловга ҳам миннатдорчилик билдириб, вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи, эсдалик совғаларини топширди.

Тадбирда сўз олган фахрий журналистлар ҳам газетанинг фаолияти ҳақида сўз юритиб, у туманнинг ўзига хос кўзгуси эканлигини таъкидладилар.

Шу куни журналистика соҳаси фидойилари бир пиёла чой устида дилдан суҳбатлашдилар. Куй-қўшиқлар, рақсларга уланди.

Ёзёвон тумани ҳокимлигининг нашри бўлган “Марказий Фарғона” газетаси 1953 йил 9 июлдан чоп этила бошланган. Дастлаб “Колхозчи” номи билан чиққан туман газетасининг дастлабки сонлари А-3 ҳажмда 1500 нусхада чоп этилган. 1982 йил 1 мартдан “Марказий Фарғона” номи билан газетанинг биринчи сони нашрдан чиқди.

2010 йил газетага журналист Азимжон Худойқулов муҳаррир этиб тайинланди. У газетани ҳар томонлама ривожлантиришга эришди. Газета таҳририяти замонга мослашиб, ижтимоий тармоқларда ўз веб-сайти, телеграм канали, фейсбук ва инстаграмда саҳифаларини ташкил этди.

Бугунги кунда газета ва унинг муассиси ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Яна бир қувончли томони, туман ҳокимлигининг эътибори билан 2021 йил 27 апрелда таҳририят ўзининг янги биносига эга бўлди. Замонавий моддий-техник жиҳозлар, апаратуралар олиб берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-07-15 19:16:04